ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00237

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

**Онахон Маннаповна Жабборова**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

**Дилором Мукимовна Тошпулатова**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

## АННОТАЦИЯ

Мақолада бошланғич синф ўқитувчиларига қўйиладиган янги талаблар тўғрисида фикр юритилган ва тавсиялар тақдим этилган

**Калит сўзлар:** бошланғич, синф, ўқитувчи, имиж, касб, фаолият, йўналиш, билим, кўникма, малака, маҳорат.

# REQUIREMENTS FOR PRIMARY SCHOOL TEACHERS

**Onakhon Mannapovna Jabborova**
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

**Dilorom Mukimovna Toshpulatova**
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

## ABSTRACT

The article discusses the new requirements for primary school teachers and provides recommendations

**Keywords:** elementary, class, teacher, image, profession, activity, direction, knowledge, skill, qualification, skill

## КИРИШ

Ўзбекистонда барпо этилаётган Учинчи Ренессанс даврида бошланғич таълимда сифат самарадорлигига эришиш ва бунда бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятига таяниш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси қиёфаси. Ўзбекистонда бошланғич таълимни янада ривожлантириш жараёни кечмоқда. Бу жараёнда бўлажак

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00237

бошланғич сингф ўқитувчиларининг касбий қиёфаси (имижи) муҳим ўрин тутади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Хорижлик педагог олима Н.В.Кузьмина бошланғич синф ўқитувчиларининг қиёфасини қуйидаги ёндашув асосида шакллантиришни тавсия этади:

1) касбий билимга эга бўлиш;
2) лойиҳачи бўлиш;
3) конструктив бўлиш;
4) маслаҳатчи бўлиш;
5) ташкилотчи бўлиш.

Мазкур компонентларнинг маъноси қуйидагича: бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий-назарий билимни эгаллаши, мустақил фикрга эга бўлиши ва мудом ўзи устида ишлаб бориши керак; унинг лойиҳачилиги ҳар бир дарсни ўзига хос тарзда ўтказиши биланг белгиланади; констуктивлиги ўқувчилар билан тил топиша олиши ва болапарварлиги билан намоён бўлади; маслаҳатчилиги таълим олувчилар ва уларнинг манфаатдор шахслари билан киришимлигидир; ташкилотчилиги эса чнги педагогик технологияларни амалиётда қўллай олиши билан белгиланади.

Бизнинг ёндашувимизга кўра, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси қиёфасида қуйидагилар бўртиб туриши керак:

- болапарварлик;
- ўз касбини севиши;
- педагогик фаол бўлиш;
- ўзи устида доимий ишлаши.

Бундай ёндашув асосида олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш мапқсадга мувофиқ бўлади.Шу жиҳатдан халқаро педагогик тажрибаларжда қабул қилинган қуйидаги концептуал йўналишларга эътибор бериш лозим:

а) бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига касбий, психологик ва педагогик билим бериш;

б) бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини педагогик кўникма билан қуроллантириш;

в) бошланғич синф ўқитувчиларининг замонавий технологик имкониятларидан фойдаланишга ўргатиш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00237

г) бола билан ишлаш психологиясини шакллантириш.

Ушбу ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш кутилган самарани бериши шубҳасиздир. Айни пайтда, ҳар бир ўқитувчи фаолияти давомида ўзининг касбий қиёфасини такомиллаштириб боришини унутиб бўлмайди.

Бизнинг ёндашувимизга биноан бугунги кунда бошланғич синф ўқитувчилари замонавий ёндашувлардан хабардор бўлиши керак. Шу жиҳатдан бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари қиёфасида педагогтк, психологик ва эстетик малакалик бўртиб туриши керак. Бу борада қуйидаги педагогик малакаларни эгаллаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари педагогик вазифани қўя олиши, ўқув-тарбиявий ишларни самарали ташкил эта олиши керак;
- имкон қадар ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаш услубига эга бўлиши шарт;
- ўқув материаллари билан ишлаш кўникмасини эгаллаш бўлажак ўқитувчилар учун муҳим аҳамиятга эга.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини касбий тайёрлаш. Ўзбекистонда барпо этилаётган Учинчи Ренессанс жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий тайёрлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун қуйидагиларга аҳамият бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини педагогик қонуниятлар ва технологиялар билан чуқур таништириш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлишлари учун уларда зарур кўникма ва билимларни шакллантириш;
- дунё миқёсидаги бугунги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини йўлга қўйиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, уларнинг янги авлодини яратиш, ўқув дастурлари ва стандартларини оптималлаштириш;
- таълим-тарбия муассасаларининг раҳбар ходимлари, педагог ва мураббийлари, профессор-ўқитувчилари ва илм-фан соҳалари вакилларининг жамиятимиздаги ўрни ва мақомини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш ва фаолият самарадорлигига қараб моддий рағбатлантириш;
- педагог ходимларнинг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлигини мунтазам ошириб бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, малака

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00237

ошириш тизимини «ҳаёт давомида ўқиш» тамойили асосида такомиллаштириб бориш;

- илмий-тадқиқот ва таълим хизматларини кўрсатиш бўйича хусусий секторнинг салмоғини кенгайтириш, ҳудудларда нодавлат таълим ташкилотларини ташкил этиш орқали рақобат муҳитини шакллантириш, таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

- замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган холда таълимни бошқаришни автоматлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш тизимини яратиш, электрон ресурслар ва масофавий таълимни янада ривожлантириш, таълим олувчилар ўртасида IT-соҳасидаги касбларни оммалаштириш;

- илм-фанни иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш, илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, иқтидорли ёш олимларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, мавжуд илмий ташкилотлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

## НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли Фармонида берилган мазкур топшириқлар асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Педагогик олимларнинг фикрича, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари қуйидаги функционал компонентларни билиши керак:

1. ўқув материалларини тайёролаш ва тақдим этиш;
2. ўқувчиларни билим ва тарбия олишга қизиқтира олиши;
3. ўқувчилар шахсида учрайдиган камчиликларни бартараф эта олиши;
4. мунтазам равишда ўқувчиларни кузатиб бориши.

Мазкур ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тажрибали педагог олималардан А.К.Марково ёндашувига кўра бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари фаолияти тўрт йўналишдан иборат:

1. касбий психологик ва педагогик билимларни эгаллаш;
2. касбий педагогик малакани эгаллаш;
3. касбий психологик кўникмаларни эгаллаш;
4. шахсий фазилатлар эгаси бўлиш.

Бизнинг ёндашувимизга кўра, ушбу тавсиялар назарий ва амалий жиҳатдан асосларга эга. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнини ташкил

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00237

этишда бўлажак ўқитувчиларни касбий, психологик ва эстетик жиҳатдан тайёрлашга эътиболр бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирги замон ривожланиш жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий тайёрлашда моделлаштириш масаласига аҳамият бериш долзарб бўлиб турибди. Унга кўра, олий педагогик таълим жараёни ўзига хос модел кўринишига эга бўлиши керак. Чунги моделлаштириш тўрт жиҳатга эга бўлади:

- модел бу ўқув материалларини тизимли тақдим этиш;
- млдел муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиб бориш;
- модел таълим олувчини ҳамиша объект сифатида билиш;
- модел янги маълумотларни ўз вақтида ўқув жараёнига киритиб бориш.

Шу жиҳатдан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий тайёрлаш ишларини моделлаштириб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини фаолиятга йўналтириш. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (2020 йил 23 сентябрь) 5-бобида ўқитувчиларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланган. Мазкур ҳуқуқий мақомга кўра, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятга қуйидаги асосларга биноан йўналтирилиши керак:

- чуқур касбий тайёргарлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиш;
- таълим олувчилар ҳуқуқларига риоя қилиш;
- кафолатланган иш шароитидан фойдаланиш;
- ўқув дастурларини тузишда муаллифлик дастурларини ишлаб чиқишни билиш;
- замонавий педагогик шаклларни, ўқитиш ва тарбия воситаларини эркин танлаш;
- инновациялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;
- соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий кўрикдан ўтиш;
- таълим олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этиш.

## МУҲОКАМА

Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ана шу ҳуқуқлар асосида фаолиятга йўналтирилиши керак.

Айни пайтда, мазкур Қонунда ўқитувчиларнинг қуйидаги мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилган:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00237

- таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиш;
- ўқув машғулотларини сифатли ўтказиши;
- ахборот-коммуникация технологияларидан ўқитиш ва тарбиянинг илғор ҳамда инновацион шакллари ва усулларидан фойдаланиши;
- вояга етмаган таълим олувчилар билан таълим-тарбия ишларини уларнинг ота-онаси билан биргаликда олиб бориши;
- ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориши;
- тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиши.

Мазкур мажбуриятлар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий фаолиятга йўналтиришнинг асослари бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг ёндашувимизга кўра бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари касбий фаолиятга қуйидаги механизмлар асосида йўналтирилиши керак:

а) мутахасссилик фанларини ўқитиш жараёнида;

б) махсус курслар воситасида;

в) мустақил таълим воситасида;

г) устоз-шогирд анъанаси воситасида.


Бу механизмларга амал қилиш бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий фаолиятга йўналтириш жараёнини аниқ ташкил этиш имконини беради. Мисол учун, мустақил таълим воситасини олайлик. Пандемия каби мураккаб шароитлар шуни кўрсатдики, олий педагогик таълим жараёни ҳамиша ва ҳар қандай вазиятда мустақил таълимга тайёр туриши керак.

## ХУЛОСА

Шундай қилиб бошланғич синф ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар педагогик, психологик ва социологик характерга эгалиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00237

**Бошланғич синф ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар**



ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00237

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан сўзлаган Мурожаат нутқи.// “Халқ сўзи”газетаси 2020 йил 1 октябрь сони.
2. Бордовская Н., Реан А. Педагогика. Учебник для ВУЗов. – СПб.: “Питер” 2001.
3. Гессен С.И. Основы педагогики. –М.,1995
4. Jabborova Onahon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. International journal of pssycological and rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
5. Jabborova Onahon Mannapovna. (2019). Psycholocial and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.
6. Jabborova Onahon Mannapovna, Ismoilova Dilafruz Muhiddinovna. (2020, may). Optimation of primary education. ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal, 10(5), 1229-1232.
7. Мардонов Ш.К., Жаббарова О.М. Задачи уроков изобразительного исскуства в начальной школе. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 862-870.
8. Tojiboeva Gulmira Rifovna, Pulatova Dildora Turgunovna. Pedagogik kompetentlik: nazariya va amaliyot. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 209-215.
9. Мусурмонов Рахматулла, Мусурманова Малуда. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда инновациялар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 777-783.
10. Karimjonov Alijan, Jabborova Onakhon Mannapovna. Improvement of claster training system. Academicia An international multidisciplinary research journal, Kurukshetra (India), 2020, Issue 10, pp. 584-589.
11. Jabborova Onaxon Mannapovna, Umarova Zuhra Abduraxmanovna. Pedagogical conflicts in primary school students - as an important social-pedagogical problem. Solid State Technology, Great Britain, 2020, Issue 6, pp.235-241.
12. Abdullayeva B.P., Abdullayev F. Organization Of Swimming Lessons In Preschool Institutions. The american journal of social science and education innovations. July 2020 pp.322-330. Volume 02, Issue 07-42